

**Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов  
бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятидаги спорт таълим-  
муассасалари фаолиятини ўрганди**

Жорий йилнинг 27 январь куни Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Таэквондо ВТ ассосиацияси раиси, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Ш.Ташматов бошчилигидаги Ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятига ташриф буюриб, бир қатор спорт-таълим муассасалари ва спорт иншоотларини ўргани.



Жумладан, Ишчи гуруҳ вилоятнинг Янгиер шаҳрида барпо этилаётган футбол академияси ва Гулистон шаҳридаги марказий ўйингоҳнинг қурилиш ишларини кўздан кечирди.



Шунингдек, Гулистондаги Алпомиш спорт мажмуаси, сув спорти, гимнастика, яккакураш ва спортнинг ўйин турлари бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаблари фаолияти ўрганилиб, у ерда спортчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишилди.

Шундан сўнг, Гулистон Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида 2023 йилда соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда 2024 йилги режалар тақдироти кўриб чиқилди.



Ўрганиш якунида, спорт соҳасига оид жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича **сайёр қабул ташкил этилди**. Сайёр қабулда билдирилган мурожаатларнинг айримлари жойида ҳал этилиб, муддат талаб қиладиган масалалар қат'ий назоратга олинди.